ПоТ – 22110012104802

**Жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича**

2022 й. «30» 6 2022-226-11-153-МТ-сон Бешариқ тумани.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги хамда ўз низомига асосан иш юритувчи Бешариқ тумани Мактабгача таълими бўлими (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталади), номидан рахбари Ш.Бараталиева биринчи томон ва иккинчи томон «Ўзбекистон ёнғинга қарши кураш жамияти Фарғона вилояти Бешариқ тумани худудий бўлинмаси Низомига» асосан фаолият юритувчи ташкилоти номидан жамият раиси келгусида «Ижрочи» деб аталади, М.Шарофидинов ўрталарида куйидаги максадларда тузилди.

**1. Шартнома предмети**

1.1 «Ижрочи» «Буюртмаси» буюртмаси асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фарғона вилоят Адлия бошкармаси томонидан 2015 йил 22 сентябрги 119 «б»-сон билан рўуйхатан ўтказилган «Ўзбекистон ёнғинга қарши кураш жамияти Фарғона виояти Бешариқ тумани худудий бўлинмаси Низоми» асосида қуйидаги ишларни бажариб беради.

| № | Бажариладиган ишлар | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Бажарилган ишлар суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 2022-2023 йиллар кузги-қишки мавсумга дудбурон ва хаво йўлларини кўрикдан ўтказиш учун | дона | 409 | 88895 | 36 358 055 |
| 2. | | | | | |
| 3. | | | | | |

Шартноманинг умумий бахоси 36 358 055 сўм (Ўттиз олти миллион уч юз эллик саккиз минг эллик беш) сўм

1.2 Хизматлар бажариш муддати йил давомида.

**2. Хисоб-китоб ишлари**

2.1 Бажарлган ишлар (курсатилган хзматлар) хисоб-китоб лойиха-смета хужжатлари хамда ишни бажаришга даъвогар корхоналарнинг тижорат таклифларидан келиб чиқиб белгиланган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси счёт-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб «Буюртмачи» томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг, тулов жадвали бўйича амалга оширилади.

2.2 Буюртмачи олдиндан 30% 10907416,50 сўм миқдорида тўловни амалга оширади, хамда тўлик хисоб-китоб иши бажарилиб, қабул қилиб олингандан сўнг амалга оширади. Шарнома 1 ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30% миқдоридаги олдиндан тўлов, тўлов жадвалига асосан хар ойда амалга оширилиб борилади.

**3. Томонлар хуқуқи ва мажбуриятлари:**

3.1 «Ижрочи» ўз кучлари ва воситалари билан барча ишларини мазкур шартнома иловаларида кўзда тутилган хажмларда ва муддатларда сифатли, техник талабларга жавоб берадиган даражада бажаради. Бажарилган иш (хизматлар) учун сифатини тасдиқловчи хужжат тақдим этади ва тегишли хужжатларни тўгри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

3.2 «Ижрочи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми ёки хаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб тегишли равишда «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми «Ижрочи» томонидан ўз маблағлари хисобидан бажариб берилади. Ушбу кўшимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.

3.3 «Ижрочи» ёнғинни одини олиш ва ёнғинни муваффақият билан ўчиришга қаратилган профилактика ишларини бажаради.

3.4 «Буюртмачи» бажарилган ишлар (хизматлар)ни шартнома шартлари ва спецификацияга тўгри келишини текшириб қабул қилиб олингадан сўнг бажарилган ишлар хизматлар учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.
3.5 «Буюртмачи» мазкур шартнома бўйича печь қуриш ва таъмирлаш жойини тайёрлаб беради, «Буюртмачи»га ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун хар томонлама шарт-шароит яратиб беради.

## 4 Томонлар жавобгарлиги

4.1 Агар иш «Ижрочи» томонидан «Буюртмачи»га бажарилган ишлар ассортименти ва нави бўйича стандарларга, хўжалик шартномасида белгиланган бошқа шартларга мос келмаса ёки сифатсиз бўлган холда «Буюртмачи» «Ижрочи» дан бундай бажарилган ишларнинг умумий қийматидан 20% жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.
4.2 Агар «Ижрочи» томонидан «Буюртмачи»га товарлар ёки иш хизматлар белгиланган муддатда етказиб берилмаса, «Ижрочи» муддати ўтган хар бир кун учун кечиктирилган товар ёки иш хизмати қийматининг 0,5% микдорда, лекин кечиктирилган хизматларни қийматининг 50% дан ошмаган холда, «Етказиб берувчи» га пеня тўлайди.
4.3 Агар «Буюртмачи» «Ижрочи» га бажарилган ишлар пулини белгиланган муддатда тўлаб бермаса, муддати ўтган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4% миқдорда, лекин кечиктирилган туловнинг 50% ошмаган миқдорда пеня тулайди.
4.4 Жарима туланиши «Ижрочи» ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## 5. Форс-мажор

5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлик бўлмаган фавқулотда холатларда бузилса яъни (сув тошқини, ёнгин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва хукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлик холатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

## 6. Шартнома муддати

6.1 Шартнома иккала томонлар имзолаганидан сўнг кучга киради.
6.2 Шартнома жорий молия йили доирасида амал қилади . Маълум сабабларга кўра бажарилган ишлар (хизматлар) учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.
6.3 Шартнома қуйидги холатларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
а) томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан;
б) «Ижрочи» томонидан бажарилган ишлар (хизматлар)ни сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда хужжатлар расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;
в) «Ижрочи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;
г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани холда «Ижрочи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
д) нархлар ўзгариши натижасида бажарилган ишлар (хизматлар)ни нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки кўпайиши) лозим булгани холда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;
Изох: б,в,г,д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Буюртмачи» «Ижрочи» га ёзма равишда, асосларини келтирган холда хат билан маълум қилади.

## 7. Қўшимча шартлар.

7.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган такдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан хўжалик судлари орқали хал қилинади.
7.2 «Ижрочи» ўз фаолиятини юритиш учун лозим булган хужжатлардан (лицензия, гувохнома, сертификат) «Буюртмачи»га тақдим этади.
7.3 Шартномани бажарилиши учун таълуқли хужжатларни хаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаётган томонлар масъул ва жавобгардирлар.
7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: BG18123846

7.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва мухрлари билан тасдиқланиб тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

**8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари**

| **«Ижрочи»** | **«Буюртмачи»** |
|---|---|
| Ўзбекистон ЁҚКЖ Бешариқ туман худудий бўлинмаси | Бешарик тумани Мактабгача таълим бўлими |
| **Манзил:** Бешариқ шахар Олтин водий кўчаси | **Манзил:** Бешарик т. Сирдарё кўчаси |
| **Тел./факс: (90) 360-89-57** | **Тел./факс** |
| **(х/в ёки шғх)** 20210000900222953001 | **шғх: 100022860302157091102251001** |
| **Банк номи:** АТБ «Универсалбанк» Кўқон бўлими_ | **Ташкилотнинг СТИРи 305153351** |
| **МФО_000973 СТИР_ 200155688 ИФУТ_90240** | **ИФУТ: 84112** |
| | **Ғазначилик бўлинмасининг номи: Бешариқ тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси** |
| | **ЯҒҲ 23 402 000 300 100 001 010** |
| | **Банк: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)** |
| | **МФО:00014 Ғазначилик бўлинмасининг СТИРи_201122919** |
| **Рахбар:** **М.Шарофидинов.** | **Буюртмачи раҳбари:** ______________ **Ш.Бараталиева** |
| (лавозими) (Ф.И.О.) | (лавозими) (Ф.И.О.) |
| ____________ (имзо) М.Ў. | ____________ (имзо) М.Ў. |

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**
**FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI**
**BESHARIQ TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

150300, Beshariq tumani, Oltin Vodiy ko'chasi, 46-uy, tel.: (998 73) 612 21 19,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: beshariq.t-yurmarkaz@adliya.uz

**30.06.2022 yil**

**Beshariq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi**

# XULOSA

(maktabgacha ta'lim bo'limining shartnoma loyihasiga)

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyhaning nomi:** xizmat ko'rsatish yuzasidan shartnoma.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Beshariq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 30 iyun kuni ishlab chiqilib, shu kuni markazga taqdim qilingan.

**4. Loyiha bo'yicha taklif:**

O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'grisida"gi 684-sonli Qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2018 yil 26 mayda №3016-son bilan ro'yhatdan o'tkazilgan "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi nizom va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 02-iyuldagi PQ-5171-sonli Davlat xaridlari shaffofligini ta'minlash va samaradorligini oshirishga doir qo'shimcha chora tadbirlar to'grisidagi qarorini ijrosini ta'minlash maqsadida Respublika tovar hom-ashyo birjasining **xarid.uz** saytidagi maktabgacha ta'lim bo'limining shaxsiy kabineti orqali **104802 lot** raqami bilan 2022 yil 23 iyun kuni e'lon joylashtirilgan.

Shartnoma loyihasiga Beshariq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi 2022 yil 23 iyun kungi 2022 yilda ajratilgan mablag'lardan oqilona va samarali foydalanish hamda tovarlar, ish, xizmatlarni bajarish maqsadidagi tanlov komissiyasining yig'ilish bayoni, **104802 lot** raqamli e'lon bo'yicha takliflar ilova qilingan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

# XULOSA

Beshariq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan taqdim etilgan maktabgacha ta'lim bo'limi o'rtasida xizmat ko'rsatish bo'yicha shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiq hisoblanadi.

**Beshariq tuman YuXKM bosh yuriskonsulti** **X.Abdurafiqov**

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**Бешариқ тумани мактабгача таълими бўлими мудири (комиссия раиси)**
**____________ Ш.Бараталиева**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2022 йил 20 майдаги Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақидаги қарори ва Давлат харидлари тўғрисидаги қонуннинг 62-моддасининг 7-хатбошисига кўра Бешариқ тумани мактабгача таьлим бўлими тасарруфидаги МТТлар дудбурон ва хаво йўлларини техник кўрикдан ўтказиш (лот№22110012104802) бўйича танлов комиссиясининг мухокама натижалари юзасидан**

## 49-СОНЛИ МАЖЛИС БАЁНИ

2022 йил "30" июнь соат 15:00 Бешариқ шаҳри

**<u>Танлов комиссияси иштирокчилари:</u>**

| | |
|---|---|
| Ш.Бараталиева | - Бўлим мудири, комиссия раиси; |
| М.Ботиралиев | - марказлашган молия-бухгалтерия хизмати бош ҳисобчиси, танлов комиссияси аъзоси; |
| Ф.Қўлдошев | - махсус таъмирлаш-эксплуатация хизмати бошлиғи, танлов комиссияси аъзоси; |
| Б.Ахмедов | - кадрлар бўйича инспектор, танлов комиссияси аъзоси; |
| А.Туранов | - махсус таъмирлаш-эксплуатация хизмати таъминотчиси, танлов комиссияси аъзоси; |

**Йиғлиш кун тартибидаги кўриладиган масала;**

2022-йилда etender.uzex.uz лот №22110012104802 рақами билан Бешариқ тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги МТТлар дудбурон ва хаво йўлларини техник кўрикдан ўтказиш учун 14.06.2022 йилдан 21.06.2022 йилгача бўлган вақтда порталга жойлаштирилган. Танловда 2 (икки) нафар иштирокчи қатнашди булар 1.Ёнғинга қарши курашиш жамияти Бешариқ тумани бўлими 2. Ёнғинга қарши курашиш жамияти Қўқон шахар бўлими

Танлов 23.06.2022 йил куни танлов комиссияси азолари томонидан Ёнғинга қарши курашиш жамияти Бешариқ тумани бўлими ғолиб деб топилди ва 23.06.2022 йил соат 17:52 да электрон баённома расмийлаштирилди ва шу пайтнинг ўзида 2 иш кунига мухокамага жойлаштирилди. Шу 2 иш куни давомида хеч қандай эътирозлар келиб тушмади ва махсус комиссия қарори билан Ёнғинга қарши курашиш жамияти Бешариқ тумани бўлими билан шартнома тузишга қарор қилинди.

Ш.Бараталиева ____________________

М.Ботиралиев ________________

Ф.Қўлдошев ____________________

А.Туранов ____________________

Б.Ахмедов ____________________